Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 29 июнь, пайшанба. №77 (21.840.) Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



28 июнь куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Австрия федерал канцлери Ф. Вранцкийнинг шахсий вакили, собиқ ички ишлар вазири Карл Блехани қабул қилди.

Президент Ислом Каримов ҳурматли меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлади. Ўзбекистон раҳбари мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этар экан, ҳали бу борада кенг имкониятлар мавжудлигини ҳам таъкидлади. Ана шу имкониятларни ишга солиш ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини айтди.

Жаноб Карл Блеха самимий қабул ва меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдириб, Австрия Ўзбекистон билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш тарафдори эканини таъкидлади.

Учрашув чоғида Ўзбекистон билан Австрия ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни янада тараққий эттириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ



28 июнь куни Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган қироллигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Барбара Логан Хей хоним Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Барбара Логан Хей Буюк Британия ҳукумати Ўзбекистон билан турли соҳалардаги мавжуд алоқаларни янада мустаҳкамлаш тарафдори эканини қайд этар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабат ва ўзаро ҳамкорликнинг бундан буён ҳам равнақ топиши учун барча имкониятларни ишга солишини айтди.

— Ўзбекистоннинг бой тарихи, санъати ва маданияти, миллий анъаналари ҳамда меъморчилик обидаларига юксак эҳтиромим, — деди элчи жумладан, — ушбу вазифани муваффақиятли бажаришда муҳим омил бўлишига аминман.

— Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги муносабатлар ўзаро манфаатли ҳамкорликка асослангандир, — деди Ислом Каримов. — Савдо-иқтисодий, фан ва маданият ҳамда хорижий сармояларни жалб этиш борасида эришилаётган ижобий натижалар ҳамкорлигимизнинг амалий тусда равнақ топаётганидан дарак беради.

Ўзбекистон Президенти Барбара Логан Хей хонимнинг масъулиятли ва шарафли фаолиятида муваффақият тилади.

***

Шу куни Гана Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Жон Ивунтома Бава ҳам Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

— Гана республикаси ҳукумати мустақил Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида юз бераётган ижобий ўзгаришларни катта қизиқиш билан кузатиб келмоқда, — деди Жон Ивунтома Бава ишонч ёрлиғини топшириш чоғида. — Гана билан Ўзбекистон ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши ҳар икки томон учун ҳам фойдали. Мамлакатимизнинг Ўзбекистондаги биринчи элчиси сифатида ана шу жараёнга муносиб ҳисса қўшиш мен учун юксак фахрдир.

Ислом Каримов Ўзбекистон — Гана муносабатларининг йўлга қўйилаётгани келгусида савдо-иқтисодий, фан ва маданият ҳамда бошқа соҳалардаги ҳамкорлик ривожи учун катта имкониятлар очишини айтди. Мамлакатимиз раҳбари Жон Ивунтома Бананинг фаолияти халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлигимиз ривожига муносиб ҳисса қўшишга умид билдирди.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Р. Р. ИНОЯТОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Рустам Расулович Иноятов Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 27 июнь.

ЭЛЧИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Молдова Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Николай Дудэу унинг илтимосига биноан, қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов меҳмонга партиямиз ташкилотларининг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва мавқеи, уларнинг юртбошимиз И. А. Каримов раҳбарлигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислоҳотлардаги иштироки ҳақида гапириб берди. Биринчи котиб ўз сўзида республикада юзага келган кўппартиялилик шароитидан келиб чиқиб, ХДП фаолият усуллари ва иш йўналишларини ўзгартираётганлиги масалаларига ҳам тўхталди.

Элчи самимий қабул учун миннатдорчилик изҳор қилди. У Ўзбекистон Республикаси Президентининг Молдовага қилган ташрифи икки мамлакат халқлари ўртасидаги анъанавий, дўстона алоқалар янада ривожланишига янги омил бағишлаганлигини алоҳида таъкидлаб, молдоваликлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган чуқур ўзгаришларни хайрихоҳлик билан кузатаётганликларини билдирди.

Суҳбатда Ўзбекистон ХДП МК котиблари И. Кочмарик ва Ҳ. Авезов ҳозир бўлдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

КУННИНГ НАФАСИ

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

Галла—95

ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБА

· Бу йил 100 минг гектар майдонда бошоқли дон етиштирган Сурхондарё ғаллакорлари ўрим-йиғим ишларини тадбиркорлик билан олиб боришмоқда.

Ангор туманида ғалла ўрими қарийб ниҳоясига етай деб қолди. Бу ерда давлатга дон тошириш суръатлари ёмон эмас. Туманнинг «Новшаҳар» деҳқон фермерлар уюшмаси эл хирмонига 750 тонна дон тўкиб, бу борадаги йиллик режани вилоятда биринчи бўлиб бажарди.

Фермер хўжалигидан Ш.Худойбердиев, М.Раҳмонов, Б.Раҳмонов каби комбайнчилар ибрат бўлишмоқда. Кўпгина бригадаларда ҳосили йиғиштириб олинган майдонларда такрорий зироат униб чиқди. Вилоятнинг Термиз, Қумқўрғон, Қизириқ туманларида ҳам ғалла ўрим - йиғими намунали кечмоқда.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Қадриятларимиз

ЗЕБУННИСО МУКОФОТИ

· ЖИЗЗАХ. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси мустақилликнинг 4 йиллигига атаб Зебуннисо бегим номидаги мукофотни таъсис этди.

Бу мукофот вилоятдаги меҳнаткаш, ҳалол, пок, меҳрмурувватли ва ибратли оилалар ҳамда уй бекаларига берилади. Мукофотга сазовор бўлганлар қимматбаҳо совға ва дипломлар билан тақдирланади. «Мукофотни таъсис этишдан мақсад миллий қадриятларни тиклашда аёлларимиз ҳиссасини оширишга эътибор беришдир, — дейди вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Н. Каримова. — Ҳозир вилоятда 451 минг нафар хотин-қиз фаолият кўрсатмоқда».

Пардабой ТОЖИБОЕВ.

Табобат

ШИФОБАХШ СУВ МАСКАНИДА

· ХОРАЗМ (мухбиримиздан). Хивадаги «Наврўз» оромгоҳи Огаҳий номи билан аталган сўлим масканда жойлашган.

«Хива» деб аталувчи шифобахш сув топилгач, санаторий-профилакторийга асос солинган эди. Шифобахш сувдан ҳозир ҳам фойдаланилмоқда. Кўпроқ гиёҳ билан даволашга эътибор қаратилган. Бундай гиёҳларни оромгоҳ жамоасининг ўзи етиштиряпти. Дори-дармонлар тақчиллиги даврида бу ўз самарасини бермоқда. Бундан ташқари, замонавий тиббиётга хос асбоб-ускуналардан ҳам фойдаланилмоқда. Ўтган йили 700 киши дам олиб даволанган эди. Ҳозир дам олувчилар учун мосланган яна 10 та уй-коттеж барпо қилиняпти.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.

Мустақиллик манзаралари



Кўприк кур — кўп ўтади!

Владимир МОЛГАЧЁВ.

Партия ташкилотларининг иш тажрибасидан

«СТАРТ» ЧИЗИҒИДА ТУРГАН ЯНГИЛИК

· Шарқ ва Ғарб ўзгача уйғунлашган туман.
· Партия иш услубида янгилик: унинг замини, моҳияти ва истиқболи.
· Партия халқ билан.

Собир Раҳимов туманини, сал муболаға билан, Тошкент шаҳрининг юраги деса бўлади. «Компрессор», «Миконд», «Агрегат», Чинни заводлари каби ўнлаб йирик саноат корхоналари, пойтахтда жойлашган олий ўқув юртларининг асосий негизи, бир талай илмий тадқиқот институтлари, мамлакатимиз ёшларининг потенциал кучи тўпланган Талабалар шаҳарчаси, юзга яқин миллий хусусият ва муҳитга эга маҳаллалар шу туман худудида жойлашган. Бу ерда тарих ва замонавийлик, Шарқ ва Ғарб ўзига хос тарзда уйғунлашади. Ушбу тегарада йигирмага яқин миллат вакиллари яшайди ва меҳнат қилади. Аҳолининг катта қисми ишчилар ва зиёлилардан иборат. Маълумки, бу қатлам ҳар қандай жамиятда ҳам четдан келадиган даромадларсиз, асосан маош ҳисобига кун кечиради. Бу дегани — фуқаролар иҳтиёрий ҳаётнинг ҳар бир соҳасидаги ҳар қандай ўзгаришларга жуда тез жавоб қайтарадилар, деганидир. Бу — туманнинг ўзига хос жуда нозик жиҳатларидан бири.

Ана шундай ижтимоий-сиёсий, миллий-байналмилал вазиятда, кеча ва бугун, бугун ва келажакнинг муштараклик муҳитида, ҳаёт соатма-соат, кунма-кун янгиланиб бораётган шароитда Собир Раҳимов туман партия кенгаши ҳам ўз ишини тубдан янгиламоқда. Зеро, ҳаёт ўзгаришларидан ортда қолмаслик эҳтиёжи партия ташкилотларидан ишга ижодий ёндошишни талаб этади. Шу талабдан келиб чиққан ҳолда туман партия кенгаши янгича бошқарув тизими лойиҳасини ишлаб чиқди. Уни тайёрлашда Тошкент шаҳар партия кенгаши ҳам яқиндан ёрдам берди. **ЯНГИЧА БОШҚАРУВ ТИЗИМИ ЛОЙИҲАСИ МОҲИЯТИНИ ХАЛҚҚА ЯҚИН, НАФАҚАТ ЯҚИН, БАЛКИ ЯКТАН ВА ЯКДИЛ БЎЛИШ МЕЗОНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.**

Бу янгилик нимадан иборат?

У ҚАНДАЙ ЗАМИНДА ПАЙДО БЎЛДИ, ҚАЕРДАН ЎСИБ ЧИКДИ?

Очиғини айтиш керак, ўтган сайловлар парламент услубидаги ХДП учун бир имтиҳон бўлган эди. Ҳукумат вакиллик органларига номзодлар кўрсатиш ва уларнинг сайланишига эришиш жараёнида партия иши ва унинг тизимидаги қатор нуқсонлар равшан сезилиб қолди. Булар нималардан иборат? Идоранишинлик, ҳаётдан йироқлик, оддий кишиларнинг эътиборини қозонолмаслик, ҳокимият ва бошқарув органларида таъсир кучининг сустлиги ва ҳоказо... Яхши боғбон боғдаги қуриган дарахтларни раҳмсизларча кесиб, ўрнига ўсмир кўчатларни ўтқазади. Акс ҳолда... Айтиш мумкинки, бу янгилик ўтган сайловлардаги хато ва камчиликларни бартараф этиш, тузатишга интилишдан келиб чиққан хулоса, хулосавий натижадир. Бу янгилик эски иш услубини буткул инкор этмайди. Донишманд халқимиз айтганидек, янгисини қурмасдан туриб эскисини бузмаслик керак.

ЯНГИЛИКНИНГ МОҲИЯТИ НИМАДА?

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига депутатлар сайлаш учун туман худудида учта, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашига депутатлар сайлаш учун эса олтита сайлов округи тузилган эди. Мазкур янгилик лойиҳасида шу тузилмадан фойдаланилди. Тажриба учун Ўзбекистон Республика Олий Мажлисига номзодлар кўрсатувчи Чуқурсой сайлов округи танлаб олинди. Сабаби, бу тегаранинг худуди бошқаларига нисбатан катта. Унда ишлаб чиқариш корхоналари ва маҳаллалар тиғиз жойлашган. Янги округлар бўйича ишлайдиган тизимга кўра, бу округда иккита ташкилий бўлим тузилди (қолган иккита округда ҳам иккитадан ташкилий бўлим тузилган). Тўпланган тажрибалардан фойдаланган ҳолда, шу бўлимларда ижроия раёсат ташкил этилмоқда. Чамаси, бунинг чўчийдиган жойи йўқ. Негаки, партия ташкилотлари ўз-ўзини қоплаш йўриғида ишни ташкил қилар экан, маош билан таъминлай олса, ўз ходимларини истаганча кўпайтиравериши мумкин. Шундай ҳуқуқ қонун билан мустаҳкамланиши зарур. Ахир, ходимлар қанча кўп бўлса, халқ ичига ҳам шунча кўп кирилади, омма билан алоқа воситалари кўпаяди. Қолаверса, ҳозирги кўппартиялилик шароитида «партия ходими» деган касб ҳам шаклланиб бормоқда.

Бўлим раёсати аъзоларига шу худуддаги завод ва фабрикаларнинг раҳбарлари, маҳалла оқсоқоллари сайланадилар. Корхоналар ва маҳаллаларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳаётдаги кўпгина ижтимоий-иқтисодий муаммоларни амалда бартараф этишга сезиларли таъсир кўрсатади. Бунда, айниқса, аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож қатламини бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг зарбаларидан ишончли ҳимоя қилиш, ишсизликнинг олдини олиш имкониятлари пайдо бўлади.

Корхоналарнинг раҳбарлари, маҳалла оқсоқоллари туман партия кенгашининг бу янгилигини қизғин қўллаб-қувватламоқда. Чунки, агар шундай вазият юзага келса, ўзбекча қилиб айтганда, бир-биримизнинг ҳолимиздан бохабар бўлиб турамиз, дейишмоқда улар.

ЭНДИ, МАЗКУР ЯНГИЛИКНИНГ ИСТИҚБОЛИ ХУСУСИДА МУЛОҲАЗА ҚИЛИБ КЎРАЙЛИК.

Сир эмас, ҳар қандай партиянинг пировард мақсади бўлажак сайловларда ғалаба қозониш ҳамда вакиллик органларида ўзининг кўпроқ вакилларига эга бўлишдан иборатдир. Ушбу янги бошқарув тизими ҳам ана шу мақсадни мукаммалроқ амалга оширишни кўзда тутади. Ўтган сайловлар тажрибаси кўрсатадики, кўпгина сайлов округларига шу округ ҳудудида яшамаётган кишилар, четдан номзодлар кўрсатилди. Уларнинг шахси ва ижтимоий фаолияти ҳақида шу округ ҳудудида яшаётган аксарият аҳоли тўлиқ тасаввурга эга эмас эди. Натижада, номзодларни ўтказиш жуда катта қийинчиликлар туғдирди. Ҳатто айрим жойлардан кўрсатилган номзодларимиз ғайратли, эл-юрт хизматига камарбаста бўлсалар-да, сайланмай қолдилар. Мамлакатимизда кўплаб партиялар вужудга келаётгани сабабли келгуси сайловларда бундай вазият, шубҳасиз, янада кескин тус олади.

Бу борада янги бошқарув тизимининг афзаллиги шундаки, унга кўра сайловгача номзодлар тайёрланиб борилади. Масалан, кўрсатилажак номзод корхона раҳбари бўладиган бўлса, энди уни нафақат корхона ишчилари, балки маҳалла аҳли ҳам яхши танийди. Чунки у сайлов оралиғидаги муддатда, корхона имкониятларидан келиб чиқиб, маҳалладаги қарияларга, етим-есирларга моддий ёрдам берган, маҳаллаларнинг ижтимоий қиёфасини ўзгартиришга корхона ҳиссасини қўшишни уюштирган, маҳалла кишиларининг тўй ва маъракаларида аралашиб юрган, яъни элга танилиб қолган бўлади... Хуллас, корхона ва маҳаллаларнинг алоқаси мустаҳкамланади. Бу, шубҳасиз, бўлажак сайловларда ХДП ғалабасини таъминловчи омиллардан биридир. Ушбу тизимнинг яна бир афзал жиҳати шундаки, у сайланган депутатларни халқ билан янада яқинлаштирувчи бўғин бўлади.

Бу тизимга кўра, депутатлар ўз сайловчилари билан ҳар куни, ҳар соатда мулоқотда бўладилар.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, Ш. Асомов депутат сифатида ҳам талай ишларни амалга оширмоқда. У тез-тез жойларда бўлиб, сайловчилар билан учрашади. Сайловчиларга ҳисобот беради. Ёрдам сўраб мурожаат этган ҳар бир кишига ўз уйқу ва оромидан кечиб бўлса-да, кўмаклашади. Ш. Асомов ўз сайловчиларига, сайловчилар ҳам ўз депутатларига таянадилар. Шунинг учун ҳам ҳар қандай муаммо ҳал этилмай қолмайди.

Собир Раҳимов туман партия кенгаши томонидан ишлаб чиқилган янгича бошқарув тизими хусусидаги мухтасар мулоҳазаларимиз шулардан иборат. Бу янгилик шу кунларда «старт» чизиғида марш қўнғироғини кутиб турибди. Биз ҳам у кўзлаган нурли ва ёруғ манзилига ҳормай-толмай етиб олишига тилакдошмиз.

Салим АШУРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туман партия кенгаши котиби, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати Шкурат Асомов (ўртада), туман кенгаши ички партиявий ишлар бўлими мудири Учқун Шойимқулов (ўнгда), туман партия кенгаши иккинчи котиби Сергей Борисович Строгий (чапда)лар янгича бошқарув тизими лойиҳаси ижодкорларидир. Улар мазкур лойиҳани янада мукаммаллаштириш устида фикрлашмоқдалар.

Ислом КАРИМОВ:

«Биз фуқаролик жамиятини қуришга интилмоқдамиз. Бунинг маъноси шуки, давлатимиз ривожлана борган сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халққа топшириш, яъни ўзини-ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш демакдир».

„Биз ким, мулки Турон"

ЯНГИ ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

БИШКЕК. Қирғизистонда қабул қилинган «Чет эл валютасида амалга ошириладиган операциялар тўғрисида»ги қонун мамлакат ҳудудига барча давлатлар валюталарини эркин олиб кириш ва олиб чиқиш имкониятини яратди. Илгари қонун чиқарувчи кенгаш томонидан маъқулланган бу қонун халқ вакиллари палатаси томонидан ҳам қўллаб-қувватланди ва кучга кирди. Янги қонун тижорат банклари ва алмашув бюроларига чекланмаган миқдорда валюта алмаштириш операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини беради.

ЭНЕРГЕТИКАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

ДУШАНБЕ. АҚШнинг халқаро тараққиёт бошқармаси (ХТБ) Тожикистондаги «Помир-1» гидроэлектростанцияси қурилишини ниҳоясига етказиш учун 815 минг доллар миқдорида маблағ ажратди. ХТБнинг энергетика масалалари бўйича маслаҳатчиси Рольф Манфред Тожикистон Олий Мажлиси раиси ўринбосари Қозидавлат Қоимдодов билан учрашув чоғида шуни маълум қилди.

Помирдаги Ғунд дарёсида қуриладиган «Помир-1» ГЭСи мамлакатдаги энергетика тақчиллигини бартараф этишга кўмаклашади.

АБАЙ ИЖОДИГА БАҒИШЛАБ

АЛМАТИ. Қозоғистон пойтахтида Абай ижодига бағишланган қомусни таништириш маросими бўлиб ўтди. Ушбу китоб Қозоғистон тарихчилари, адабиётшунослари, тилшунослари, муҳаррирлари ва ноширларнинг қарийб ўн йиллик меҳнати маҳсулидир.

Нашрни тайёрлашда собиқ Иттифоқ республикалари, Туркия, Хитой, Германия ва бошқа мамлакатлардаги миллий фанлар академияларидан 500 га яқин муаллиф жалб этилди. 2000 дан зиёд мақолалардан иборат бўлган ушбу нодир китоб 722 саҳифани ташкил этади. Марказий Осиёдаги давлатларда айни пайтда Алишер Навоий, Махтумқули, Тўхтағул каби буюк шоирлар ижодига бағишланган ана шундай нашрлар устида иш олиб борилмоқда.

СУД ҲУКМ ЧИҚАРДИ

Туркманистон Республикаси Олий суди Туркманистон фуқароси Аймурад Муҳамметқули ва Россия фуқароси Хошали Гараев устидан чиқарилган суд ҳукмини эълон қилди. «Туркменская искра» газетасининг хабар беришича, улар конституциявий тузумни бузиш, ҳокимиятни зўрлик билан ағдариб ташлаш ва давлат раҳбарларига қарши қўпорувчилик ҳаракатларини уюштиришда айбланмоқда.

«Туркмен пресс» давлат ахборот агентлигининг хабарига кўра, суд айбдорларнинг бирини 15 йил, иккинчисини 12 йил озодликдан маҳрум этди.

(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Партия ахбороти

СОН ЭМАС, СИФАТ КЕРАК

Олмаликда Тошкент вилояти шаҳар ва туман партия кенгашлари ҳисоб секторлари мудирларининг семинар-йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши иккинчи котиби Шуҳрат Муҳаммаджонов маъруза қилди. Олмалиқ шаҳар партия ташкилотининг биринчи котиби Турдали Алимов эса бу борада тўпланган тажриба билан иштирокчиларни таништирди. Сўзга чиққанлар аъзолар сонини фақат сифат жиҳатдан ўстириш, партия обрўсини ошириш йўллари, бошланғич ташкилотларни кўпайтириш ва айни пайтда худудий партия ташкилотлари ишини такомиллаштириш хусусида фикр-мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

Шунингдек, семинар-йиғилишида янги аъзоларга партия ҳужжатлари ҳамда фаол ходимларга Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг Фахрий ёрлиғи топширилди.

Йиғилиш қатнашчилари Олмалиқ шаҳар тарихи ва ўлкашунослик музейини бориб кўрдилар.

Абдунаби МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«РЕГИСТОН»— БИР ЁШДА

Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгашининг нашри— «Регистон» газетасининг биринчи сони чиққанига бир йил тўлди.

Шу муносабат билан вилоят партия кенгаши маъмурияти биносида адабий-бадиий кеча ўтказилди. «Регистон» муҳаррири, «Ўзбекистон овози» мухбири Фармон Тошев ижодий жамоанинг режалари ҳақида гапирди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши масъул ходими А. Рустамов Марказий Кенгаш биринчи котиби А. Жалоловнинг шу муносабат билан табригини ўқиб эшиттирди. Вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Й. Суюнов Пайариқ туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Э. Аҳадов, ёзувчи Б. Даминов, шоира Ж. Сувонова, СамДУ доценти Р. Мирзаев, ридиожурналист О. Усмонқулов ва бошқалар газета ходимлари ва муштарийларини байрам билан табрикладилар.

Анжуман қатнашчиларига «Регистон» кутубхонаси» туркумидан чиқарилган баёз тарқатилди. «Ғайра-ғайра» ва «Бибихоним» ансамбли аъзолари даврага ўзгача файз киритдилар.

Садриддин НАБИЕВ,
«Регистон» газетаси ходими.

БУЮК ИПАК ЙЎЛИДА

Бахмал туманидаги «Турон» ширкат хўжалиги ҳудудида бозор қурилди. У тумандаги Музбел, Барнос, Иттифоқ қишлоқлари меҳнаткашларига катта қулайликлар яратди. Илгари қишлоқ аҳолиси бозор қилиш учун Самарқанд , Оқтепа, Ўсмат, Ғаллаорол туман ва шаҳарларига боришга мажбур эдилар. Ҳафтанинг пайшанба куни хизмат кўрсатадиган бозорни тумандаги «Соҳибкор» кичик корхона жамоаси қуриб, фойдаланишга топширди.

— Бизнинг бу бозоримиз Буюк ипак йўлида ташкил этилган, — дейди Барнос фуқаролар йиғини раиси М. Болтаев. — Тарихий манбаларга қараганда бундан 150 йил муқаддам бу ерда бозор бўлган экан.

«Истиқбол» кичик корхонаси бозорни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш учун 10 гектар ерда деҳқончилик қиляпти. Келажакда корхона чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган цехлар қуриш ниятида.

Пардабой ТОЖИБОЕВ.

Иқтисодиёт ва транспорт

«НАМАНГАНТРАНС»ДА БИР КУН

Машина рулини бошқараётган кишидан қанчалар асаб, диққатни бир жойга тўплаб юриш талаб этилади. Шу маънода 600—700 километрлик йўналишда 45-50 йўловчини олиб кетаётган ҳайдовчининг ҳолатини тушуниш қийин эмас. Бундай ҳайдовчиларни бугун «Намангантранс»да кўплаб учратиш мумкин.

«Намангантранс» ҳиссадорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган транспорт ходими Иброҳим Абдураимов ҳам сўзни аввало йўловчи ва ҳайдовчи муносабатлари хусусида бошлади.

— Ҳайдовчининг ишхонаси унинг автомобили, — дейди Иброҳим ака. — Шундай бўлгач, мисол автобус ҳайдовчиси энг аввало, ўз мижозлари, яъни йўловчиларнинг ҳожатини чиқариши зарур. Албатта, бу касбнинг кўплаб ўзига хос томонлари, талаблари бор. Айтайлик, йўловчи ташийдиган автобус ҳайдовчиси касбий билимларни эгаллаган, ўз йўналиши бўйича маълум бир стажировкадан ўтган бўлиши зарур. Қолаверса, ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини билиши ва уларга қатъий риоя қилиши лозим. Қарангки, кўпчилик билан ишлашнинг эса мураккаб томони ўша кўпчилик характерларга муносиб муомала ва маданиятдир.

Энг аввало бирлашмамиздаги ишга, техникага, бир-биримизга бўлган яхши ва эътиборли муносабатдан хурсандман. Энди биз раҳбарларнинг-да ўзига яраша жавобгар бўлган ишларимиз ҳам бор-да. Қўл остимизда ишлайдиган ҳар бир кишини аввало, инсон сифатида ҳурматини жойига қўйишимиз лозим. Талабчанлик баробарида ғамхўрлик ва меҳрибонлик ҳам зарур. Тўғри эмасми?

Хўш, бу гаплар амалда қандай ўз аксини топяпти? Ўзимиз гувоҳ бўлган бир ҳол. Балким бу унчалик катта ихтиро эмасдир-у, Наманган шаҳридаги 17-автобус саройида 1988 йилдан буён ишлаётган соғломлаштириш маскани ҳақида тўхталиш жоиз. Ҳар куни жамоанинг 30-35 аъзосига чин маънода намунали тиббий хизмат кўрсатаётган бу хил муассасани ҳали ҳеч қаерда учратмаган эдик. Замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган бу ўзига хос шифохонада ишчилар физиотерапия, уқалаш, ички касалликлар, стоматология, кундузги даволаниш каби хоналарда ўз соғлиқларини тиклашлари учун имкониятлар яратилган.

Биргина бу эмас, 2523-автожамланма, 11-автобус саройи, Чустдаги 57-автохўжалик, таксомотор саройларида ҳам поликлиника ва тиббий-санитария бўлинмалари ишлаб турибди. Бу жойларда транспортчилар ҳам тиббий кўрикдан ўтказилади, ҳам даволанади.

Бугунги кунда бирлашманинг 1556 юк автомобили вилоят ва республикамиз ҳудудларида мустақил юртимиз равнақи учун хизмат қилишга шайланган. Бир ярим мингдан ортиқ йўловчи ташиш автомобиллари эса одамлар хизматида: улар оғирини енгил, узоғини яқин қилишга шайланган. Улар кунига 400—450 минг йўловчини манзилига етказмоқда.

«Намангантранс», «Ўзавтотранс» давлат ҳиссадорлик корпорацияси бирлашмалари орасида ўтган йили янги автобусларга эга бўлган ягона жамоадир. Шу ўринда вилоят ҳокимлиги бу соҳага алоҳида эътибор бераётганини таъкидлаш жоиз. Ўтган йилги ҳосилдан янги техника учун 1,5 тонна пахта толаси ажратилиб, ушбу маблағга «Икарус» ва «Кароса» автобуслари олинди.

— Бу йилги ҳосилдан 2 тонна пахта толаси ажратилиши кўзда тутилган., — дейди бирлашма раҳбари мамнуният билан. — Энди 100 донадан ортиқ «ПАЗ» ва «ЛАЗ» русумли автобуслар сотиб олиш ниятимиз бор. Бу туманлараро ва улар ичида қатнайдиган автобусларни янгилаш имконини беради. Сирасини айтганда, бундай ҳудудда ҳозир эски, ўз умрини ўтаб, хизматини қилиб бўлган техникалар ўрнига замонавийларини олиш бугунги долзарб муаммоларимиздан.

— Техниканинг кундалик харажатлари, ёқилғи, бундан ташқари, ҳайдовчининг маоши каби чиқимларимиз ҳам ўз йўлига бўлиб қолди, очиғи. Агар шаҳар ичида қатнаётган «Кароса» русумли автобуснинг нархи ҳақида гапирадиган бўлсак, у бизнинг шаҳримизга миллионлаб сўмларга келишини айтиб ўтмоқчиман. У ҳали ўзининг харажатини чиқариб бергунча эса кўп вақт бор. Шу бизга масаланинг қийин томони, — дейди Иброҳим ака.

Дарвоқе, давлат автокорхоналари автобуслари йўналишларида ижарадаги ва хусусий автотранспортнинг ризқ излаш ҳоллари Наманган йўлларида ҳам урф бўлиб кетган. Бошлиқнинг бу борада қуйиниб гапирганларича бор. Дарвоқе, бу «левий»ларнинг харидориям кўп бўляпти, имконияти ҳам. Ҳатто Намангандан Тошкентга қатнашаётганига нима дейсиз. Бироз арзонроқ, ҳам қулай. Мисол, Отчопар бозорига савдога борувчилар жам бўлгач жўнайди, улар билан келишилган пайтда орқага қайтади. Хўш, аввало уларга бундай ҳуқуқни ким берди? Ҳеч ким. Қаранг, давлатникининг ўзига яраша кунига 3—4 минг сўмлаб плани бор., ижарадаги хусусий автобус эгалари давлатга тўлайдиган тушум эса ойига баъзан минг сўмдан ортмайди. Бунга аллақачон чек қўйиш лозим эди...

Бозор муносабатларини кундалик турмушга тадбиқ эта бориб бирлашманинг бир неча корхоналари мулкчиликнинг янги шаклларига ўтишди. Жумладан, шу йилнинг ўзидан Намангандаги 11-, 17-автобус саройлари, такси саройи, Жомашуйдаги 86-, Чустдаги 57-автокорхоналар ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди. Қарангки, бу ўз натижаларини берди ҳам. Иш суръатлари ошиб, унумдорлик анча ўсди. Биргина мисол, 86-автокорхона 1994 йилда юк ташиш бўйича 56 фоиз, йўловчи ташиш бўйича — 44,1 фоиз фойдали ишлашга эришган бўлса, 1995 йилда бу кўрсаткичлар жамоа янги шаклга ўтиб иш бошлагач тегишли равишда 61,1 ва 5,7 фоизни ташкил этди. Шу боисдан ҳам жорий йил якунигача бирлашманинг 2523-автожамланмасидан ташқари барча корхоналарини ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш режалаштирилган.

Хўжалик алоқаларида юзага келган муайян қийинчиликлар энди анча-мунча ишбилармонлик, тадбиркорлик талабларини олдинга қўйди. Бирлашма раҳбариятининг ўз вақтида кўрсатган ташаббуси билан ташкил этилган «Намангантрансервис» ҳиссадорлик жамиятининг бу борадаги амалга ошираётган ишлари ибратга молик. Мазкур хўжалик (уни илгари УПТК деб аталарди) Россиянинг «ЗИЛ» заводи, Омск машина заводи, «Ярославлснаб», Комсомолск—Амур заводлари, Қозоғистоннинг «Шимкентшина», «Манат» корхоналари, Чехословакиянинг «Мадатор» фирмаси кабилар билан ўзаро шартномалар тузиб, узилган алоқаларни тиклади. Ана шу ҳамкорлик самараси бирлашмага 6 минг дона юк машинаси ва автобуслар шиналари, 8 минг дона енгил автомашина шиналари, 2,5 мингта аккумулятор ва миллионлаб сўмлик эҳтиёт қисмлар, автомобиль бўёқлари, бошқа зарур материаллар олиб келинди. Булар ўз-ўзидан бўлмаслиги эса аён.

Энди бирлашманинг таянчлари бўлган мутахассислар, малакали ишчилар ҳақида. Уч даражали «Шуҳрат» ордени соҳиби Каримбой Абдураҳимов, Абдурашид Валиев, Воҳиджон Мамажонов, Нурилла Ҳамидов, Йўлдошали Ҳошимов, Ҳайдаржон Ҳасанов, Мамасоли Жўрабоев, Адҳам Мамажонов, Аҳмаджон Сайдалиев каби чилангар-у ҳайдовчи, муҳандис-у директор, уста ва шифокорлар, айтиш жоизки, «Намангантранс»нинг фахри. «Намангантранс»да бир кун бўлдик, холос. Мақола материалларини тўплаш жараёнида биз яна бир воқеанинг гувоҳи бўлдик. Ўша куни Тошкентдан корпорация бошқаруви раисининг ўринбосари Мансур Алиев раҳбарлигида бир гуруҳ мутахассислар келишган эди. Мазкур бирлашма корхоналари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари аттестациядан ўтказилди. Аттестация комиссияси фикрини эса якуний йиғилишда Мансур Маҳмудович лўнда қилди: «Абдураимов танлаган кадрларнинг барчаси бугунги замон талабига тўғри жавоб берувчи, масъулиятни тўла англаган мутахассислар эканини кўрсатишди»...

Бу хулосага изоҳ ортиқча, албатта. Энди ҳамма ҳап қуйи босқичларда ҳам ана шундай ишга фидойи кадрлар масъулиятини янада ошириш, асосий мезон — йўловчилар ва буюртмачилар талаб-эҳтиёжини мунтазам тўла қондиришда қолган. Бу — бир кунлик таассурот якуни, холос. Жамоанинг барқарор ва бир меъёрда муваффақият қозона боришини келажак кўрсатади, албатта.

Ҳусан ЭРМУҲАММАД,
Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбирлари.

СУРАТЛАРДА: 1. Бирлашма бошлиғи Иброҳим Абдураимов. 2. Жомашуй бош бекати. 3. Намангандаги 22-автокорхонанинг илғор ҳайдовчилари Отамирза Юсупов (чапдан) ва Лутфилла Иброҳимов.

Неъматилло ЭРГАШЕВ олган суратлар.

ХРОНИКА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан Ғулом Алиев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раиси вазифасидан озод этилди.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

КАННДАГИ УЧРАШУВДА

Европа иттифоқига кирувчи 15 мамлакатнинг раҳбарлари Каннда учрашувда Россия томонидан чечен муаммосини ҳал қилиш борасида бирмунча силжишларга эришилганлигини таъкидлаб ўтишди. Шу боис Москва билан вақтинчалик савдо-сотиқ қилиш ҳақидаги келишувни имзолашга аҳд қилишди.

НОМАЪЛУМ БЕЗОРИЛАР ҲУЖУМИ

Утган якшанба куни бир гуруҳ номаълум ҳарбий шахслар Покистоннинг Пешовар шаҳри яқинида германиялик учта мухандисни ушлаб олишди. Маълумки, бу шаҳар Афғонистон чегарасига яқин жойлашган. Шу пайтгача германиялик муҳандисларни қайси экстремист гуруҳ ушлаб тургани номаълум.

ВАЗИФАСИДАН КЕТИШГА МАЖБУР БЎЛДИ

Абхазия радиосининг хабарига кўра, Сухуми шаҳри раҳбари Нодар Хашби ўз вазифасидан озод этилди. Мутахассисларнинг фикрича, Н. Хашби ўз вазифасидан ўз ихтиёри билан кетган. Чунки, жиноятчиликнинг ҳаддан ташқари кўпайиб кетгани ва иқтисодий аҳволнинг мураккаблиги натижасида шаҳарни бошқариш жуда қийинлашиб кетган.

ҒАРОЙИБ ВОҚЕА

Белгород вилоятининг Казацкой қишлоғи аҳолиси тушларига ҳам кирмаган воқеанинг гувоҳи бўлдилар. Қишлоқда сон-саноқсиз бақалар пайдо бўлди. Улар барча экин майдонларини ва очиқ ерларни эгаллаб олди. Одамларнинг айтишича, бақалар шарқдан ғарбга қараб ҳаракат қилмоқда.

Экология мутахассисларининг фикрича, ушбу ҳодисанинг сабаби Белгородда ҳавонинг ўта қизиб кетганлигидадир.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ИСТЕЪДОД МАРКАЗИ

Яқинда республика ўқитувчилар уйида янги ташкил этилган мамлакат истеъдод маркази очилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Мазкур даргоҳ асосан психологик танлов услубиятларини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганади, истеъдодли ўғил-қизларимизнинг иқтидори қайси жабҳаларга мос йўналганлигини белгилайди. Шуниси диққатга сазоворки, болаларнинг қобилиятлари замонавий компьютерлар ёрдамида аниқланади. Алоҳида муваффақиятга эришган ўқувчилар махсус мактаб ёки олий ва ўрта маъсус ўқув юртларига ўқиш учун кафолат билан тавсия этилади. Мазкур марказга республикамиздаги бир қатор жамғарма ва ташкилотлар ҳомийлик қилишга бел боғлашди.

С. ҲУСАНОВА.

УМИД

компанияси Исроилдаги «Герцлия» тиббиёт марказининг хусусий касалхоналарини таништиради:

—Жаҳон андозалари даражасиидаги юксак малакали тиббий ёрдам;

—тиббиётнинг исталган соҳасида жаҳонга таниқли бўлган мутахассисларни танлаш;

—маслаҳат олиш ва етказишни ташкил этиш, сизни ва ҳамкорлик қилаётган шахсларни даволаш (хоҳловчилар миқдори чекланмаган);

—Лод халқаро аэропортида шахсий кутиб олиш, яшаш ва даволаниш масканига қадар ҳамроҳ бўлиш;

—тўла ҳажмда касалхонага ётқизишни амалга ошириш;

— бемор тиббиёт марказидан чиққандан кейин унга қарашни амалга ошириш;

— эҳтиёжга қараб чекланмаган миқдорда дори-дармонлар билан таъминлашни ташкил этиш;

— тарихий ва зиёратгоҳ жойларга экскурсияларни уюштириш.

Алоқа учун телефонлар: (3712) 44-16-13, 46-77-51.

Ёдгорликлар — кўз қорачиғимиз

САРМИШСОЙ НАЖОТ КУТМОҚДА

Навоий вилояти ҳудудидаги Қоратоғнинг жанубий ён бағрида Зарафшон дарёсининг ўнг ирмоқларидан бири бўлган Сармишсой жойлашган. Сой шимолий-шарқдан жанубий-ғарб томон чўзилиб, тик қоялар, даралар ва кенг адирларни кесиб ўтади. У ўзининг зилол суви, ажойиб табиати билан кишиларни қадимдан ўзига мафтун этиб келган.

Сармишсой ёдгорликлари орасида қоя тошларига ўйиб-чукичлаб ишланган қадимги расмлар нафақат республикамиз, балки чет эл олимларига ҳам маълум. Бу суратларни биринчи марта 1958 йили Узбекистон Фанлар академияси Тарих ва археология институти илмий ходими Х. Муҳаммедов қисман ўрганиб «Қизил Узбекистон» газетаси саҳифаларида кенг жамоатчиликка хабар берган эди. Ундан кейинги йилларда бу ерда шу институтнинг олимлари изланиш ишларини олиб бордилар. Айниқса, тарих фанлари номзоди Ж. Кабиров олиб борган ишлар диққатга сазовор. Унинг изланишлари натижасида 1976 йилда «Сармишсойнинг қоя тошларидаги расмлар» номли китоб чоп этилди.

Икки йилдирки, бу ерда Узбекистон-Польша халқаро экспедицияси аъзолари изланиш ишларини олиб бормоқда. Натижада ҳали фанга номаълум бўлган кўплаб қоя тош расмлари ва бошқа археологик ёдгорликлар борлиги аниқланди. Сармишни машҳур қилган унинг қоя тошларига ўйилган суратлари бўлиб, бу жой Навоий шаҳридан 40-45 км. шимолий-шарқда, сойнинг ўрта қисмида жойлашган. Бугунги кунда бу ерда эрамиздан олдинги III минг йилликлардан тортиб Ўрта асрларга тааллуқли бўлган 3500 дан ортиқ суратлар борлиги аниқланган. Қояларда алоҳида турган ва рақсга тушаётган одамларнинг, камондан ўқ бўшатаётган мерган, отда чопиб кетаётган чавандоз, осойишта турган узун шохли ибтидоий буқа ва бўғулар, шунингдек, елибюгуриб бораётган тоғ такаси ва бошқа ҳайвонларнинг тасвири бор.

Қоя тош расмлари қадимги замон кишилари ҳаётидан лавҳа бўлиб қолмасдан, балки уларнинг диний эътиқодлари акс эттирилган қадимий тош китобдир. Сармишсой расмларининг асосий қисми тоғ дараси торайган, қоя тошлари анча силлиқ бўлган, 1-1,5км, масофага чўзилган жойда учрайди. Маълумки, Марказий Осиё халқларининг кўпчилигида қадимдан муъжизавий жониворларга, тошларга сиғиниш одат бўлиб келган. Бугунги кунда халқимиз орасида эъзозланиб келинаётган Сангижумон, Тошқиз, Тошбулоқ, Қирққиз каби тошларни бунга мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин.

Сармишсойда қоя тош расмларидан ташқари бошқа археологик ёдгорликлар ҳам кўплаб учрайди. Изланишларимиз натижасида бу ердан қадимги одамлар яшаган ғорлар, уларнинг тош қуроллари, тепа ва қўрғонлар, мозорлар, мугхона, қурумлар, остодон қолдиқлари топилди. Бундан ташқари бу ерда ҳар хил даврларга оид кўплаб сопол идишларнинг қолдиқлари, эски гиштлар, ёғгучоқлар ва бошқа археологик топилмалар борлиги аниқланди. Сармишсойда ирригация тармоқлари жуда яхши кўзга ташланади. Бу ердан Ўрта асрларга тааллуқли 10 та сув тегирмони харобалари топилди.

Сойдаги қишлоқ харобаларига қараб бу ерда анчадан бери одам яшамаганлигига гувоҳ бўламиз. Қаровсиз қолган боғлар ўрнида чангалзорлар пайдо бўлган, ариқлар кўмилиб кетган, дарахтлар қуриб қолган.

60-йилларнинг ўрталарида Сармишсой ўз хўжаликларини юргизиш мақсадида утин ва хашак тўпловчилар, дам олувчилар кўплаб кела бошладилар. Афсуски, улар қолдирган салбий изларни сойнинг барча жойларида учратиш мумкин. Олимларнинг фикрича, Сармишсой воҳасида 62 оила, 335 уруғдан ташкил топган 686 хил усимлик маълум бўлган. Афсуски, ҳали фанга номлари номаълум бўлган кўплаб усимликлар йўқолиб кетган. Бир пайтлар жуда бой бўлган ҳайвонот олами камбағаллашиб қолган.

70-йилларга келиб Сармишсойнинг «эгалари» пайдо бўлди, Навоий шаҳридаги химия заводи ўз фарзандлари учун пионер лагери қуриб ишга туширди. Бироқ расмлар акс этган қоя портлатилиб, майдалангач, қурилиш материали сифатида пионер лагери иншоотларининг пойдеворига ишлатиб юборилди. Ваҳолонки, булар аждодларимиздан қолган тарихий ёдгорликлар эди.

Ўз- ўзидан нега шундай бўлди, деган савол туғилади. Ахир собиқ СССР даврлати даврида ҳам бу масала бир неча марта кўтарилган эди-ку?! Ҳаттоки, Навбаҳор тумани қарори билан Сармишсой дам олиш зонаси деб, эълон қилинган эди. Лекин афсуски бу масала қандай кўтарилган бўлса худди шундай қоғозда қолиб кетди. Гапнинг сирасини айтганда Сармишсойга эгалик қилувчи, унинг гўзал табиатидан, бой тарихий ёдгорликларидан унумли фойдаланувчи ташкилот ёки кимса топилмади. Эндиликда мустақил республика бўлиб дадил қадам ташлаётган пайтимизда маънавий камчиликларни ҳар томонлама урганиб, уларга чек қўймоғимиз даркор. Аввалмбор, ҳужасизликка чек қўйиш ва ёдгорликлардан унумли фойдаланиш мақсадида Сармишсойни дахлсиз давлат аҳамиятига эга археология музейи деб эълон қилиш керак. Чунки Сармишсой қоя тош суратлари галереяси дунё маданияти хазиналаридан бири. У халққа хизмат қилиши керак. Сойнинг ўртасидаги йўлдан юк машиналарининг утишини таъқиқлаш лозим. Чунки, улар бу ердаги ёдгорликлар, қоя тошларининг бузилиб кетишига, қолаверса атроф- муҳитни ифлослантиришга олиб келмоқда. Сармишсойнинг қўриқхона — музей деб эълон қилиниши мақсадга мувофиқ.

Дунёдаги йирик туристик марказлар ҳисобланган Самарқанд ва Бухоро шаҳарларининг ўртасида, уларни бирлаштириб турувчи Буюк ипак йўлидан узоқ бўлмаган ерда Навоий шаҳрига яқин бўлган Сармишсойнинг туристлар маконига айланишига имкон яратади. Қолаверса, Сармишсойнинг ёдгорликлари, қоя тош расмлари, табиат оромгоҳлари тўғрисида фото-расмли альбомлар, кичик буклетлар чиқарилса қанийди.

Умид қиламизки, Сармишсой муаммолари ўз ечимини топади. Бу борада Навоий вилояти ҳокимлиги, республика Маданият ишлари вазирлиги ва Узбекстуризм раҳбарлари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирар. Биз, археологлар, Сармишсой туристик йўллари схемасини, экскурсия матнини, альбом ва буклетларини тайёрлаб беришга тайёрмиз.

Темур ШИРИНОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти директори, тарих фанлари доктори.
Муҳиддин ХЎЖАНАЗАРОВ,
тарих фанлари номзоди, докторант.

"МУСТАҚИЛЛИК"
ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

"МУСТАҚИЛЛИК" пул-буюм лотереясини сотиб олиб Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.

Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм.

Ютуқлар тиражида автомобиллар, телерадиоаппаратуралар, мебель тўпламлари, электржиҳозлар, кир ювиш машиналари ва бошқа турдаги халқ истеъмоли моллари ўйналади.

Лотерея билетларини жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

Ютуқлар тиражи 1995 йил 29 — 30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Тўлиқ маълумотларни жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 33-51-95, 45-35-49, 45-66-43.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
МАРКАЗИЙ БАНК
ЖАМҒАРМА БАНКИ
АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКСАВДО
ЎЗБЕКБИРЛАШУВ

"ТУРОН" ОСИЁ ТЕХНИКА КОМПАНИЯСИ



70 фоизи АҚШдаги конвейердан!

"Konica U-BIX"

нусха олиш техникаси Тошкентдаги омбордан сотилади.

Кафолат - бир йил.

Шунингдек, сарфланувчи материаллар ва эҳтиёт қисмлар етказиб берилади. Исталган русумдаги нусха олиш техникасини тузатиш ва техник хизмат кўрсатиш учун бир йилга шартномалар тузилади.

Биз Сизнинг муаммоларингизни биламиз ва уларни ҳал қилишда кўмаклашамиз.

Телефон: (3712) 44-59-55.
Телефон/факс: (3712) 44-55-12.

ТАШКИЛОТ

Тошкентдаги омбордан пул ўтказиш йўли билан ҳамда нақд пулга улгуржи ва чакана нархларда СОТАДИ:

Озиқ-овқат махсулотлари:
Макарон, кўк нўхат, шампиньонлар, пишлоқ, печенье ва конфетлар.
Шампан виноси ва бошка спиртли ичимликлар.
Газли ичимликлар ҳамда 0,33 л. сиғимли идишдаги пиволар,
шунингдек, мазали ва турли-туман озиқ-овқатлар.

Алоқа учун телефонлар: 45-55-65, 45-70-65.
Телефакс: 45-56-65.

ТАШКИЛОТ

Пул ўтказиш йўли билан сумларга Д 8237, ДА 8237, ДБ 8237 русумидаги пресслаш асбоб-ускуналарининг эҳтиёт қисмларини

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Алоқа учун телефонлар: 45-55-56, 45-70-65.
Телефакс: 45-56-65.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ УНИВЕРСИТЕТ ҚОШИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАР МИЛЛИЙ ЛИЦЕЙ-ИНТЕРНАТИГА 1995—96 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Миллий лицей-интернатнинг 9-синфлари учун Тошкент шаҳар ва республика вилоят ҳокимиятлари йўлланмаси билан юборилган иқтидорли ўқувчилар қабул қилинади.

10—11 синфларнинг бўш қолган ўринларига 9 ва 10 синфларни аъло баҳолар билан битирган иқтидорли ўқувчилардан қўшимча равишда танлаб олинади.

Миллий лицей-интернат ўқувчилари бепул тўрт маҳал иссиқ овқат ва ётоқхона билан таъминланадилар. Лицейда машғулотлар техника университети кафедралари ва лабораторияларининг профессор ва ўқитувчилари томонидан олиб борилади. Унда асосий эътибор математика, физика, информатика, инглиз тили, кимё, биология, ўзбек тили, Узбекистон тарихи ва маданий мероси каби фанларни ўрганишга қаратилади.

Ўқишга кирувчиларнинг ҳужжатлари 1995 йилнинг 15 майидан бошлаб 1июлгача қабул қилинади. Имтиҳон тест синовлари 3-4 июль кунлари ўтказилади.

ҚАБУЛ УЧУН ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТОПШИРИШ ЛОЗИМ:

1. Миллий лицей-интернат директори номига ариза.
2. 8, 10-синфни битирганлик тўғрисида табел.
3. 9-синфни битирганлик тўғрисидаги табел.
4. Мактабдан тавсифнома — йўлланма.
5. Туғилганлик тўғрисида гувоҳнома.
6. Турар жойдан маълумотнома.
7. Соғлиғи тўғрисида маълумотнома (086 форма).
8. 6 та сурат (3х4 ҳажмдаги бош кийимсиз).

Миллий лицей-интернат ўқувчиси сафига физика, математика фанларидан ўтказилган суҳбат ва тест натижаларига қараб қабул қилинади. Суҳбат олдидан кирувчилар учун бир ҳафталик маслаҳат дарслари ўтказилади.

Миллий лицей-интернатга кирувчиларнинг ҳужжати ва аризалари қуйидаги минзилгоҳда қабул қилинади.

Тошкент шаҳар С. Раҳимов тумани, Талабалар шаҳарчаси, 53-ётоқхона, (талабалар ҳокимияти ёнида) ТошДТУ миллий лицей-интернати.
Телефонлар: 46-69-02, 46-81-41.

Божхона бекати

НАШАФУРУШ ЙЎЛОВЧИЛАР

Тожикистонлик 25 ёшли Алишернинг кўнгли мўмай пул топишни тусаб қолди. Ҳамёнинг тўла пул бўлса, еганинг олдингда, емаганинг ортингда. Бу хаёллар унга тинчлик бермай қўйди. Ўйлай-ўйлай «ажойиб қарорга келди». Гиёҳвандлик модда сотиб олиб, уни бир неча ҳисса қилиб пуллаш мақсадида «қайдасан, Россия» дея «Душанбе-Москва» йўналиши бўйича қатновчи поездга ўтирди.

Бироқ унинг йироқ сафари узоққа чўзилмади. 14 май куни Сурхондарё божхоначилари поезд купесида мазза қилиб кетаётган Алишернинг ширин хаёлларини тўзғитиб юборди. Унинг сафар халтасини текшириш натижасида 1 килограмм «опий» гиёҳвандлик моддаси борлиги аниқланди. Ушбу иш юзасидан йиғилган ҳужжатлар қонунга биноан тегишли чора-тадбир кўрилиши учун Термиз темир йўл милициясига топширилди.

***

Тошкентлик Шавкат 21 ёшда бўлишига қарамай гиёҳвандлик моддасини сотиш каса-лига «мубтало» бўлган экан. Бўлмаса, 7 май куни сафар халтасига 2 килограмм 433 грамм «марихуана»ни жойлаб «Иркутск-Тошкент» поездига чиқармиди. Божхона хизмати ходимлари унинг тўрвасини текшираётган чоғда «иситмаси» ошкор бўлди.

***

«Бухоро-Чоржуй» йўналишидаги поездга чиқаётган йигит ўзини қанча босиқ курсатишга уринмасин кўзлари «бежо» эди. Буни пайқаган Бухоро вилояти божхона хизмати ходимлари йигитнинг қўл юкларини текширувдан ўтказди. Шубҳаланишга асос бор экан. Бухорода яшовчи 28 ёшли Илҳомнинг юклари ичидан 5 килограмм 726 грамм кўкнори топилди. У буни номаълум шахсдан сотиб олиб, қимматроқ пуллаш учун Туркманистонга олиб кетаётган экан.

Муқаддам судланган Илҳом тавбасига таянмаган кўринади.

***

Сирдарёлик Обиджон вақтинча Наманган вилоятидан кўним топди-да, оғайниси — Гулистон шаҳарлик Андрейни ёнига чорлади. Қирғизистон яқин, «наша» билан шуғуллансак, жарақ-жарақ пул чўнтакка киради, дея гап қотди Обиджон ҳамтовоғига. Хуллас, иккаласи гапни бир жойга қўйиб, ишни пишитдилар.

Аммо уларнинг қора ниятлари рўёбга чиқмади. «Хонабод-Аласай» йўналиши бўйича қатновчи автобус божхона кўригидан ўтказилаётганда бу икки шахс турвалари ичидан 500 грамм «опиум» ва 90 грамм «марихуана» гиёҳвандлик моддалари топилди. Ҳозир бу факт юзасидан суриштирув ишлари ўтказилмоқда.

***

1 май куни Сариосиё темир йўл шоҳбекатида Сурхондарё вилояти божхоначилари темир йўл милицияси ходимлари билан биргаликда одатдагидек, йўловчиларни назоратдан ўтказишаётган эди. Поезднинг иккинчи вагонида кетаётган тожикистонлик Гулахмад исмли шахснинг хатти-ҳаракати божхона ходимларида шубҳа уйғотди. Бу шахснинг қўл юки синчиклаб текширилганда 1 килограмм «опий» гиёҳвандлик моддаси борлиги аниқланди. Гулахмад бу «заҳри қотил»ни Москвага олиб бориб пулламоқчи бўлганини тан олди.

Абдул МЎМИН,
журналист

ТАШКИЛОТ

Тошкент шаҳридаги омбордан сиғими 50 кг. ли полипропилин қопларни пул ўтказиш йўли билан

СОТАДИ

Телефонлар: 44-23-13, 44-31-36.
Манзилгоҳ: Тошкент, А. Қодирий кўчаси, 7-а уй, 309- хона.

ТОШКЕНТ ШАҲАР «ШЕРХОН» ХУСУСИЙ ФИРМАСИ
1995 йил 1-20 июль кунлари
Ҳиндистон — Ўзбекистон дўстлик тароналари

САНЪАТ БАЙРАМИ ЎТКАЗИЛАДИ

Саҳнада — Ҳиндистоннинг «Анчорман» эстрада ансамбли:
Винод Тивари, Манож Мирша, Сима Дет, Ясвиндер Каур, Мохан Сингх,
Узбекистоннинг «Ханда» ансамбли:
Шерқўзи Ғозиев, Мавлуда Турдиева, Аъзамжон Ғозиев, Дилбар Давутова, Жаҳонгир Ҳасанов
ва бошқалар иштирок этадилар.

Санъат байрами Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади.

Дастурда сиз ёқтирган ҳинд кинофильмларидан қўшиқ ва рақслар, ўзбек ва шарқ халқларининг қўшиқлари ҳамда сатира-юморлар ижро этилади.

Ҳар шаҳарда фақат бир кун. Кўришга шошилинг!

Мурожаат учун телефонлар: 46-36-21, 42-08-80.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни юксак полиграфик даражада ижро этилган, ҳимоянинг барча талаблари таъминланган: рақамлар қўйилган, алоҳида муҳр турига эга ва юпқа металлдан иборат голографик ҳимояли қимматбаҳо қоғозларни нисбатан арзон нархда қисқа муддатларда тайёрлаб беради.

Мурожаат учун манзил: 700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй, «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни, телефонлар: 33-90-50, 33-47-86.

Узбекистон Республикаси Фанлар академияси академик О.С.Содиқов номидаги биоорганик кимё институти жамоаси катта илмий ходим В.С. Абдуқаҳҳоровга укаси

С. С. АБДУҚАҲҲОРОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 60 йиллиги олдидан

ДЎРМОН ҲАНГОМАЛАРИ

ОДАМЛАР НИМА ДЕРКИН?

Ўткир Ҳошимовнинг уйида ўтказиладиган бир издиҳомга тайёргарлик кўриларди. Ёрдамчилар орасида ёш қаламкаш Мурод Тиллаев ҳам бор эди. Устоз, шогирд қозон олиб келиш учун қўшни маҳаллага боришди. Зил-замбил қозонни терга ботганча кўтариб келишаётганда Муроджон ногоҳ устознинг «Одамлар нима деркин?» деган қиссасини эслади-ю, ўзича сўз ўйини қилиб, шундай гап қотди:

— Ўткир ака, одамлар бизни кўрса нима деркин?

— Нимаям дерди — қозон керак экан, кўтариб кетяпти, дейди-да.

— Йўқ, ундай демайди-да.

— Хўш, нима дейди бўлмаса?

— Кўринишдан туппа-тузук зиёли, бойвачча одамларга ўхшашса-да, битта машина ёллашга қурумсоқлик қилишибди демайдими?

— Э, тўғри айтасиз, қўйинг бу савилни бир четга! — Ўткир ака шоша-пиша қозонни йўлак четига тўнтариб, қўлларини қоқди. — Кетдик!

Илдам юриб кетаётган устознинг ортидан кулимсираб қараб турган Муроджон шундай деди:

— Шошманг, устоз!

— Хўш, яна нима дейсиз?

— Эл оғзига элак тутиб бўлмайди. Одамлар бошқача дейиши ҳам мумкин.

— Нима демоқчисиз ўзи, Сизни тушунолмай қолдим, Муроджон?!

— Бу ерда Сизни ҳар қадамда танишади. Одамлар бизни кўриб, «Қаранглар, Ўткир Ҳошимовдек таниқли, машҳур ёзувчи бировга иш буюрмасдан, камтарлик қилиб ўзи қозон кўтариб кетяпти» демайдими?

Ўткир ака самимий қаҳ-қаҳ уриб, кулиб юборди.

— Гапингизда жон бор, қани кўтардик!

ЖАРАҚ-ЖАРАҚ САТРЛАР

Шоир Мирпўлат Мирзо ҳар қандай қийин, мураккаб шароитда ҳам ижоддан бир лаҳза тўхтамас, асаби темирдек мустаҳкам (аслида асабнинг ўзи йўқ) эди. У айниқса Дўрмонда жуда яйраб, мароқ билан ёзар, ижоднинг бутун завқу сурури, нашъу намосидан баҳраманд бўла оларди. — Мирпўлат ака, — дейди бир куни Дўрмонга вилоятдан келган ёш ижодкорлардан бири, — бозор иқтисодиёти шароитида ёзган янги шеърий туркумингиздан ўқиб беринг, эшитайлик.

— Хўп бўлади, — дейди Мирпўлат кулимсираб, — фақат бозор иқтисодиёти шароитида энди шеърий туркум дейилмайди.

— Хўш, нима дейилади бўлмаса?

— Энди у жарақ-жарақ сатрлар дейилади.

УЙҒУН ҚАНДАЙ ШОИР ЭДИ?

Кунлардан бир куни Ғафур Ғулом билан Саид Аҳмад қуюқ зиёфатнинг эртаси андак карахт ҳолда «бош оғриғи» учун кимни эритсак экан дея ўйлаб туришган экан, узоқдан Низомий пединститути профессори Абдураҳмон Саъдий кўриниб қолибди.

— Бўлди, иш пишди! — дебди Ғафур Ғулом қўлларини кафтига ишқаб. — Билсанг керак, домла Уйғунни ёқтирмайди. Ҳозир ҳол-аҳвол сўрашгач, боплаб Уйғуннинг қулоғини қизитамиз.

Салом-аликдан сўнг устозшогирд бири олиб, бири қўйиб, галма-гал Уйғунни ёмонлай бошлашибди. Домла ростдан ҳам Уйғунни хушламас экан чоғи, оғзининг таноби қочиб, эриб-яйраб кетибди. Сўз қотиш учун энди оғиз жуфтлаганда Ғафур Ғулом шумлик билан таклиф киритибди.

— Домла, суҳбатнинг чаласини ресторанда давом эттирсак нима дейсиз?

— Жуда яхши-да, кетдик бўлмаса.

Ресторанда обдон мурод ҳосил бўлгач, ташқарига чиқишибди. Шунда Ғафур ака Саид Аҳмадга секин кўз қисиб, дебди.

— Умуман олганда, Уйғун ёмон шоир эмас, нима дединг Саид Аҳмад?

— Тўғри айтасиз, устоз, ҳозир Уйғун акага етадиган шоир йўқ!

Андак сархуш Саъдий домла ўнгимми тушимми дея ҳангу манг бўлиб қолади.

БЕЗОВТАЛИК САБАБИ

Шоир Шукрулло «Шарқ юлдузи» таҳририятига ташриф буюриб турар (70-йилларда журнал Пушкин кўчасида, ҳозирги «Ўзбекистон» меҳмонхонасининг яқинида эди), гоҳо ҳадди сиғиб, ходимлар — Шукур Холмирзаев, Зоҳир Аълам, Турсун Иброҳимов, Тоҳир Қаҳҳорлар билан улфатчилик қилар эди.

Табиатан сахий, танти шоирни яхшироқ эритишнинг синалган усули — ширин сўз, мақтов (шоир халқи ҳам хомсут эмган банда — яхши сўзнинг гадоси) эди.

Бир куни ходимлар ишлаб ўтиришган хонага Шукрулло кириб келади. Салом-аликдан сўнг четроққа ўтиради. Негадир кўкраги очиқ, соч-соқоллари ўсиб кетган эди. Ходимлар бир-бири билан зимдан кўз уриштириб олгач, «эритиш» бобида анча мутахассислашиб қолган Шукур ака секин, аллалаб гап бошлайди.

— Шукрулло ака! Бугун кўринишингиз жуда ажойиб, юзингиздан, бутун сиймонгиздан ажойиб бир нур ёғилиб турибди. Ҳатто ўсиқ соч-соқолингиз ҳам ўзингизга ярашган. Туф-туф, кўз тегмасин,

Шукрулло ака негадир безовталанар, мақтовга сазовор тиканак соқолини, икки лунжини аҳён-аҳён асабий силаб қўяр эди. Шукур ака эса темирни қизиғида босмоқчи бўлиб, яна мақтовга зўр берди. Ахийри Шукрулло чидолмай, портлаб кетди. Тошкент лаҳжасида, чучук тил билан шундай хитоб қилди:

— Ман санга боятдан буён пулим йўқ ҳозир девомман-ку, каллаварам!

Ваҳолонки, шоир «боятдан буён» миқ этмай ўтирган эди.

ЖАЗОНИНГ КАТТАСИ

Бозор иқтисодиёти шароитида болаларнинг овқат танлаши, инжиқлиги оилада кўп асаббузарликларга сабаб бўларкан. Э, борига шукур қилиб, ойинг пишириб берган нарсани индамай туширавермайсанми, зумраша, дейсиз, хит бўлиб. Аммо қани энди улар тушунса...

Болаларимнинг мижози — табиати жуда ноёб. Бошқа овқатларни қўя турайлик, айниқса қўй ёғини мутлақо ёқтиришмайди. Оғайнилар ҳазиллашиб, жуда замонабоп болалар экан, қўяверинг дейишади. Ҳазил-ҳазил билану, тирранчаларнинг саломатлигини ўйлаганда кўзга ҳеч нарса кўринмайди-да.

Бир куни улар — уч оғайни ботирлар қовун тушириб қўйишди. Яхшигина туширишди. Жуда жаҳлим чиқди. Қаҳру зуғум ила оилавий мажлис чақириб, муҳокамани бошладим. Важоҳатимдан от ҳуркийди.

Демократия аввало оиладан бошланиши керак. Шунинг учун айбларини бўйнига қўйгач, жазо чорасини ҳам ўзгандек бўлди.

ШОШИЛИНЧНОМА

Эркин Воҳидов Омон Матжон билан оилавий бўлиб кемада саёҳатга чиқишибди. Бир куни кутилмаганда қаттиқ бўрон кўтарилибди. Ўркач-ўркач улкан тўлқинлар кемани аёвсиз чайқатар, бамисоли гугурт чўпидай уйнатар экан. Анча-мунча дунё кўрган тажрибали денгизчилар ҳам пилдирпис бўлиб, ин-инига — каюталарга уриб кетибди. Шоирларни-ку айтмаса ҳам булади... Боёқишлар дунё кўзларига тор кўриниб, кўнгиллари айнир, тинимсиз қайт қилар эди. Ногоҳ радиокарнайдан хитоб янграйди: Ўзбекистонлик Воҳидов, сизга шошилинчнома бор. Келиб олинг!

Шу тобда кўзига ҳеч нарса кўринмаётган шоир баттар ғашланибди. «Ишқилиб тинчлик бўлсин-да» дея ноилож айтилган жойга жўнабди. Тўлқин баттар кучайган, палубада фақат эмаклаб юриш мумкин экан. Кўнгли беҳузур бўлиб, оёқда зўрға турган Эркин ака минг машаққат билан, бир амаллаб айтилган жойга ўрмалаб бориб, шошилинчномани олибди. Унда ўғли шундай сўзларни битган экан: «Адажон, жинси шим сотиб олдим. Сиз овора бўлиб юрманг».

УЛФАТЛАР

Таниқли ёзувчи Анвар Эшонов республика радиосида ишлаб юрганида кўплаб адибларнинг овозлари ва асарларининг ёзув тасмасига муҳрланиб қолишида жонбозлик қилган. Ўшанда радионинг адабиёт таҳририяти маданий ҳаётда анча баланд нуфузга эга эди. Табиатан чапани ва серулфат Анвар ака турли қаламкашлар билан муомала-мулоқотни жойига қўйишда устаси фаранг бўлган. Айниқса, муаллифнинг қалам ҳақини муддатидан олдин ундириб беришда унга тенг келадиган муҳаррир йўқ эди. Хотинга айтмаса ҳам бўлаверадиган бундай мўмай пуллар гоҳо (радионинг қалам ҳақи баракали эди) ҳадди сиғадиган ҳамқалам дўстлар билан «ювишга» сарфланарди.

Раҳматли Юсуф Шомансур радионинг фаол муаллифларидан эди. У асари ҳали эфир тўлқинларига тарқалиб улгурмасдан Анвар аканинг ёнига чопади. Муҳаррир бор маҳоратини ишга солиб, қалам ҳақини ундиргач, икковлон Инқилоб ҳиёбонидаги (ҳозирги Амир Темур майдони) «Дружба» ресторанига боришади. Йўлакай Анвар ака оғайнисидан юз сўм қарз сўрайди. Ҳозиргина юз эллик сўм қалам ҳақи олган шоир пулим йўқ эди деёлмайди.

Ресторанда Анвар ака ўта саҳийлик билан буюртма беради. Бир зумда очил дастурхон турли ичимлик ва нозу-неъматлар билан тўлиб кетади. Кайф анча тарақ бўлгач, бир маҳал Юсуф ака секин чайқалиб сўрайди.

— Анвар, дўстим, қани айтчи, нега сен мендан пул қарз олиб, яна ўзимни меҳмон қиласан?

— Чунки сен ҳаммадан зўр шоирсан! — дейди Анвар ака ҳозиржавоблик билан ва дарров улфатининг қадаҳини тўлдириб қўяди.

— Ҳм... ш-шундай дегин?! Унда қарзимнинг ярмидан воз кечдим.

Шундай бўлишини олдиндан яхши билган Анвар ака дўстининг шаънига яна бир оғиз илиқ сўз айтиб, қадаҳ кўтаради. Тамомила эриб кетган Юсуф ака энди гапга нуқта қўяди.

— Анвар! Қарзимнинг ҳаммасидан кечдим!...

ПАСТ КЕТМА

Турғунлик йиллари деб аталмиш даврда нафақат Ўзбекистонда, балки собиқ Иттифоқда ҳам донг таратган колхоз раиси, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Н. С. Хрушчевнинг яқин дўсти бўлмиш Ҳамроқул Турсунқулов шоир Рауф Парпининг поччаси (холасининг эри) эди. Дорилфунун талабаси бўлган шоир бир куни донгдор қариндошига эркалик қилиб, шундай илтимос қилади.

— Почча, менга битта машинка тўғрилаб беринг, жуда қийналиб кетдим. Бизга бу нарса жуда керак-да...

— Ҳм... майли, ўйлашиб кўрамиз,— кутилмаган илтимосдан энсаси қотган раис шоп мўйловини асабий бураб қўяди.

Кечқурун раис хотинига иддао қилади:

— Бу... Турсунбойингни (шоирнинг асл исми шундай эди) иштаҳаси зўр-ку! Ҳозирдан машина мингиси келиб қопти.!

Ўз навбатида хола шоирни исканжага олади:

— Ҳеч эсинг кирмади-кирмади-да, Турсунбой! Уялмай-нетмай поччангдан машина сўрадингми?

— Э, унақа минадиган машина эмас, ёзув машинкаси сўровдим.

— Ахир ўзи айтди-ку!

— Демак, тушунмабди-да. Хўш нима қилай, бошқатдан...

— Энди қўявер, паст кетма, ўша обрўйингда туравер!

ҚАЛТИС ҲАЗИЛ

Раҳматли Мақсуд Шайхзода қазо қилган куннинг эртаси шоир Ихтиёр Ризони кўрган дўстлари ундан сўрашади:

— Кеча Шайх аканинг дафн маросимида кўринмадинг?

— Кеча мен Рауф Парпининг дафн маросимига кетган эдим! — И. Ризо тап тортмай, дадил жавоб қилади.

— Ие, Рауф бандачилик қилдими ҳали?

— Ҳа, энди... умри қисқа экан, худо раҳмат қилсин.

Рауф Парпининг дўстлари Машраб Бобоев раҳбарлигида йиғилишиб, битта кичик автобусда Янгийўлнинг Шўралисой қишлоғига таъзия изҳори учун жўнашади. Манзилга етгач, шоирнинг уйи олдида ҳеч ким йўқлигидан андак ажабланишади. Ичкаридан чиқиб келган кекса онахон «Ўғлимни йўқлаб келибсизлар-да», дея суюниб, алқаганда ҳангу-манг бўлиб қолишади. Маълум бўлишича, шоир ўлмаган, дорилфунунни битиргач, иш тополмай, далада мол боқиб юрган экан.

Меҳмонлар Машраб ака бошчилигида шоирнинг «қайта тирилганини» яхшилаб ювишади...

ОЛДИН СИНАБ КЎРАДИ

Дўрмондаги ижод уйи ошхонасида тамадди қилаётган эдик. Гурунг авжида. Даврада сўққабошлар кўп эди. Шулардан бири — Рауф Парфи ногоҳ шундай гап қотди:

— Мана, ҳаш-паш дегунча элликниям аллақачон уриб қўйибмиз. Беш- олти марта уйланганимизни ҳисобга олмаса, бу дунёда яшашнинг умуман қизиғи йўқ экан.

— «Қўшиб ёзиш» бўлмасин, энди икки марта уйландингиз, холос, — деди кимдир.

— Дарвоқе, келинглар Рауф акани уйлаймиз! — дея таклиф қилиб қолди энг ёш сўққабош Набижон Боқий.

— Йўқ, олдин Сайёр акани уйлайлик, — Рауф ака ўзича мурувват кўрсатган бўлди,- ёшлари ҳам мендан улуғ!

Ўқланган милтиқдек шай турган Мирпўлат Мирзонинг лўқмаси нишонга бехато тегди.

— Олдин Сайёр ака уйлансин-чи, ҳеч нарса бўлмаса, кейин Рауф ака уйланади.

НЕГА КУЛИШАРКИН?

Маҳкам Маҳмуд Андижонийнинг паришонхотирлиги ҳақидаги ҳангомалар чексиз—адоқсиз. Мана, шулардан яна бири...

Маҳкам ака жазирама ёз кунлари таҳририятдаги хонасида ёлғиз ўзи туфлисини ечиб қўйиб, оёғини шамоллатиб, столга мукка тушганча ишлаб ўтирарди. Шу куни узоқроқ ишлаб қолади. Атроф сув қуйгандек жим-жит, хона ғира-шира бўлгандагина бошқалар аллақачон ишини тугатиб кетганини пайқайди. Шоша-пиша папкасини қўлтиғига қистириб ташқарига ошиқади.

Маҳкам ака трамвайга чиққач, ёнидаги йўловчиларнинг пиқир-пиқир кулишаётганини сезса ҳам олдинига парво қилмай, хаёл суриб кетаверади. Қараса кулги тинадиган эмас. Ҳамиша қийшайиб юрадиган бўйинбоғини тузатиб, тикондек ўсиқ соқолини асабий қашлаб қўяди. Шу маҳал ёнидан қисилиб-туртиниб ўтаётган барзанги оёғини қаттиқ босади-ю кўзидан ўт чақнаб кетади. Маҳкам ака мундоқ пастга қараса, оёқяланг келаётган эмиш...

ҲАЛОЛЛИК

Ўзбекистон халқ рассоми Алишер Мирзаев амакиси, машҳур шарқшунос олим Содиқ Мирзаев ҳақида шундай ҳикоя қилган эди.

— Бир куни амаким эрталаб ишга жўнабдилар. Трамвайда кетаётганда чипта сотаётган кондукторни кўриб, пул олиш учун чўнтакка қўл суқса, пул йўқ, ҳамённи уйда унутиб қолдирган эканлар. Шоша-пиша трамвайни тўхтатишни талаб қилибди. Кондуктор нима гаплигини билгач, «Майли, қўяверинг овора бўлмай, келаси гал қўшиб тўларсиз» деса ҳам кўнмай тушиб қолибди. Тўғри уйга бориб, ҳамённи олгач, бекатга келиб, айнан ўша ўзи эрталаб чиққан травмайнинг қайтишини тоқат билан кутиб турибди. Таниш трамвайга чиқиб, икки карра йўл ҳақини тўлагач, кўнгли сал жойига тушиб, ишга кечикиброқ борибдилар.

Шодмон ОТАБЕК.

ШЕЪРИМ КАБИ СУЮКЛИСАН

Ўзининг таъбири билан айтганда, Шукрулла Файзулла — қишлоқ шоири. «Қишлоқда яшайман» деб номланган илк китоби чиққанига ҳам ўттиз беш йилдан ошибди. Бу давр ичида яна бир тўплам — «Тонг табассуми» чиқди. Ўнга яқин поэма, туркум шеърлари республика матбуотида эълон қилинди. Шукрулла Файзулла салкам ўттиз йил «Шарқ тонги» газетасида муҳаррир бўлиб ишлади. Ҳозир нафақада. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

***

Шеърим каби суюклисан,
Суюклисан гул мисол.
Таърифингга лойиқ сўзни
Топа олмай тилим лол

Рўпарангда жим ўтириб,
Кўзларингга боқаман.
Ва хаёлинг дарёсида
Бир хас бўлиб оқаман.

Ўтинаман, тўлқин отиб
Ирғитмагил қирғоққа.
Ўзинг билан бирга-бирга
Олиб кеттин йироққа.

Сен ғам чексанг бирга чекиб,
Кулсанг — бирга кулгани.
Қайга борсанг, ёнгинангда
Бирга бўлсам бўлгани.

Изларингда тўзон бўлиб
Учиб юрсам майлига.
Қошларингда кипригингга
Кўчиб юрсам майлига.

Шамол бўлиб шовулласам
Қулоқларинг остида.
Сочларингни тортқиласам
Виеолингнинг қастида.

Япроқ бўлиб йўлларингга
Танга каби сочилсам.
Сен ёқтирган гул бўлсаму
Қўлларингда очилсам.

Бошқаларга кўз-кўз қилиб,
Олиб юрсанг ҳар нафас.
Ҳидлаганда яноғингга
Тегиб турсам менга бас.

***

Қўй, бош эгиб турма, айб сенда эмас,
Кечирим сўрадинг —
чекдим изтироб.
Ахир, инсон нега дунёга келар,
Дўст кўнглин олмаса ва берса азоб?!
Йўқ! Мен гуноҳкорман:
нозик қалбингда
Жўш урган туғённи ўлчай билмадим.
Нега ўша масъум, лол қарашингга,
Табассумларингга парво қилмадим.
Билардимку ахир қиз юрагини —
Куйиб-ёнса ҳамки, айтмас тил билан.
Йилларни ўтказар фироқ-аламда,
Аммо севаберар сидқидил билан.
Мен энди англадим мунис ҳолингни,
Кечир соддаликдан кечиккан бўлсам.
Қани, бир саватча гул бўлиб шу пайт
Сени оёғингга келиб тўкилсам.
Муҳаббат! Топмадим сени ёшликда,
Иссиқ нафасингга ташнаман ҳамон.
Ёшим улғайганда тутдим барингдан,
О, умр ўтгани ҳаммадан ёмон!
Севилмоқ истардим бошқалар каби,
Насиб бўлармикан дердим чин дилдор.
Қалбингни тушуниб, эркалаб, суйиб,
Қаршингда оловдай ёниб турса ёр!
Муҳаббат: садоқат, вафони қўмсаб,
Шеърда яратардим муносиб қизни,
Мен ҳам инсон бўлиб, кошкийди энди
Эшитсам севаман деган бир сўзни.
Аммо тақдир экан, шу маҳалгача
Аламла яшадим ўзимни қарғаб.
О, йўқ! Ишонмайман, севмай-севилмай,
Кимки бахтиёрман деса —
бекор гап!
Ҳаёт ҳаёт эмас, ўз тенгинг билан
Муҳаббат ўтида ёнмасанг агар.
Умр умр эмас юракдан севиб,
Ишқ майига роса қонмасанг агар.
Жоним, хуш келибсан, кўтар бошингни,
Муҳаббатинг билан юракка ўт ёқ.
Инсоний меҳрга ташна қалбимни
Ўзинг ардоқлагил, кенг очиб қучоқ!

ЁШИМНИ СЎРАМАНГ, ЯХШИЛАР

Ёшимни сўраманг, яхшилар,
Муҳиммас нечага кирганим.
Сўранг не эзгу иш қилганим,
Ёшимни сўраманг, яхшилар.
Яшаган йилларнинг ҳисоби
Бўлолмас тарози узра тош.
Ҳақиқий инсоннинг қимматин
Ўлчамас, ўлчамас асло ёш.
Еб-ичиб, қуп-қуруқ гердайиб
Бир аср яшашдан не фойда?
Бировнинг юз йиллик «зўр» ишин
Бировлар дўндирар бир ойда.
Умрингдан узилган ҳар нафас
Неларга сарф бўлди — ўйлаб боқ.
Ҳаётинг Қуёшдай порлоқми
Ё ожиз ёнувчи шамчироқ?
Эзгулик йўлида жон тикиб,
Элим деб турдингми мардона?
Ким қандай яшади, ҳакам бор —
Ҳукмини ўқийди замона.
Кошкийди инсонга умрни
Чин хизмат ҳаққичун берсалар.
Элбезор, юртбузар кимсани
Ҳаётдан эртароқ юлсалар.
Жамият бўйнига юк бўлган
Юз йилни қилмайман ҳеч ҳавас.
Одамлар жонига жон бўлиб,
Бир муддат яшашнинг ўзи бас.
Ёшимни сўраманг, яхшилар,
Муҳиммас нечага кирганим.
Сўранг не эзгу иш қилганим,
Ёшимни сўраманг, яхшилар.

Шукрулла ФАЙЗУЛЛА.

ШОДОН ТАБАССУМ ВА ХУШ КАЙФИЯТ

тақдим этувчи

"стомасервис"

хусусий стоматология поликлиникасида

ҳафтанинг 7 кунида — кечаю-кундуз, дам олишсиз

ТЕРАПИЯ, ЖАРРОҲЛИК, ОРТОПЕДИЯ

соҳалари бўйича мутахассислар Сизга тиббий хизмат кўрсатишга ҳозиру нозир.

Рентген хонаси, лазер терапияси, физиотерапия, металлокерамика, шунингдек, парадонт сингари барча касалликларни даволаш бўйича мижозларга хизмат кўрсатилади.

СТОМАТОЛОГИЯ **соҳасида жаҳоннинг етакчи фирмалари техникаси ва дори-дармонларидан фойдаланиб, замонавий технологияни қўллаш даволашни оғриқсиз ўтказади.**

Майин мусиқа, қаҳва ёки бир пиёла чой мажбурий муолажаларга ҳузур бахш этади.

МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Буюк ипак йўли кўчаси, 428-уй. (Мўлжал: Тошкент трактор заводи)

ТЕЛЕФОНЛАР: (3712) 64-39-16, 69-89-65.

"СТОМАСЕРВИС" — ЮҚОРИ СИФАТ ВА УЗОҚ МУДДАТГА КАФОЛАТ БЕРАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. · Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0238.

Навбатчи муҳаррир Қ. ЭШМАТОВ, навбатчи С. САЛИМОВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00. 1 2 3 4 5 6.